

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

826 «Дорихона ва тиббиёт муассасаларида трамадол дори воситасини сақлаш, ҳисобини олиб бориш ва бериш қоидалари тўғрисида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 9 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 996-2

Ўзбекистон Республикасининг «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2000 йил 14 декабрдаги 635-сон «Дорихона ва тиббиёт муассасаларида трамадол дори воситасини сақлаш, ҳисобини олиб бориш ва бериш қоидалари тўғрисида»ги буйруғига (рўйхат рақами 996, 2000 йил 29 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2000 й., 24-сон) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

А. ШАДМАНОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 3 август,
104-сон

Ўзбекистон Республикаси
соғлиқни сақлаш вазирининг 2017 йил
3 августдаги 104-сон буйруғига
ИЛОВА

«Дорихона ва тиббиёт муассасаларида Трамадол дори воситасини сақлаш, ҳисобини олиб бориш ва бериш қоидалари тўғрисида»ги буйруққа киритилаётган ўзгартиришлар

1. Буйруқнинг номидаги ҳамда 4-банддаги «Дорихона ва тиббиёт муассасаларида» деган сўзлар «Тиббиёт муассасалари ва дорихоналарда» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Трамадол дори воситаси гиёҳвандлик воситалари рўйхатидан чиқарил-

ганлиги муносабати билан уни тиббиёт муассасалари ва дорихоналарда сақлаш, ҳисобини олиб бориш, бериш ҳамда ушбу дори воситасидан белгиланган мақсадларда фойдаланишни тўғри ташкил этиш мақсадида **буюраман:**».

3. 1-бандда:

биринчи хатбошидаги ҳамда 1.6-кичик банддаги «Дорихона ва тиббиёт муассасаларида» деган сўзлар «Тиббиёт муассасалари ва дорихоналарда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

1.1 ва 1.2-кичик бандлардаги «дорихона ва тиббиёт муассасаларида» деган сўзлар «тиббиёт муассасалари ва дорихоналарда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

1.3 ва 1.5-кичик бандлардаги «Дорихона муассасаларида» ва «дорихона муассасасида» деган сўзлар тегишлича «Дорихоналарда» ва «дорихонада» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 3-банддаги «Дорихона муассасаларида» деган сўзлар тегишлича «Дорихоналарда» деган сўзлар билан алмаштирилсин.